

Авторемонтчилар ғалабаси

Яқинда И. В. Стрельцов номли 1-авторемонт заводининг клубида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Ўзбекистон автомобиль ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасига, Ўзбекистон ССР автомобиль, транспорти министрлиги ҳамда автомобиль транспорти ишчилари касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байроғини тақдим этишга бағишланди.

Бирлашма шу йил учинчи кварталда бўлиб ўтган социалистик мусобақада голиб чиққанлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.


Бу воқеа яна бир қувончли воқеа билан уланиб кетди. Бирлашмага қарашли корхоналарнинг беш йиллик планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулотлари икки миллион сўмликка етди.

Беш йиллик мобайнида корхоналарда меҳнат унумдорлиги анча ошди. Кўрилган фойда 13 миллион сўмга етди. Ўн беш маркадаги автомобиллари ремонт қилиш ўзлаштирилди. Оғир юк элтувчи «ЗИЛ-130», «МАЗ-503» ва «КАЗ-606» автомобиллари шулар жумласидандир. «ЗИЛ — ММЗ — 555» маркали автомобиль базасида ағдарма ярим прицеп яратилди.

Автомобиль транспорти министрлигига қарашли хўжаликлар ана шундай прицеплардан фойдаланганликлари натижасида икки юз минг сўмга яқин фойда кўрдилар. Ўнлаб номда янги деталлар ишлаб чиқариш ва эскирганларини қайта тиклаш жорий этилди.

Беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бирлашма корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада Тошкентдаги «Октябрь 50 йиллиги» номли 2-автомобиль ремонти заводи айниқса, яхши натижаларга эришди.

«Узавторемонт» бирлашмаси ишчи-хизматчилари вакиллари қатнашган тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар йил охиригача беш йиллик планга қўшимча 3,5 миллион сўмлик автомобиллар ремонт қилинади ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади, деб ваъда бердилар. Бу — ремонтчиларнинг партиямиз навбатдаги съездига муносиб совғаси бўлади.



СУРАТДА: Алишер Навоий номли кутубхона учун бунёд этиладиган янги бино макети. Кутубхонанинг янги биноси Навоий кўчасида яқин келажакда қурила бошланади. Бу улкан маданият масканн энг замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилиб, 10 миллион том китобга мўлжалланган.

5

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
27 НОЯБРЬ 1970 й
ЖУМА
№ 280 (1348).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПАХТА БАЙРАМИ» ЯҚИН

Юртимизда катта тўй тантанаси бошланмоқда. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида азамат пахтакорлар етиштирилган ҳосилга бағишлаб пахта байрамлари ўтказишга тараддуд кўрилмоқда. Келгуси ойнинг бошларида Тошкентнинг янги ипподромида ўтказиладиган «Пахта байрами» ҳам умумхалқ байрамига айланиб кетади. Бу байрам қандай ўтказилади? Мухбиримизнинг ана шу саволига республика қишлоқ хўжалик министрлигида тузилган ташкилот комитетида қуйидагиларни маълум қилишди.

«Пахта байрами» 2 декабрь куни ипподромда тантанали суратда бошланади. Томошабинлар республиканинг барча областларидан келган қишлоқ хўжалик илғорларининг колоннаси ўтишларини томоша қиладилар. Шундан кейинги навбат пойтахт физкультурачиларининг колоннасига берилади.

Байрамда «ЯК-12, ЯК-18» маркали самолётларнинг группа бўлиб учишлари намойиш этилади. «АН-2» самолётидан эса парашютчилар ва акробатчилар ерга сакраш маҳоратларини кўрсатадилар.

Булардан кейин чавандозларнинг катта ва қизиқарли ўйинлари бошланади. Ҳар хил мукофотларни олиш учун қорабайр зотли отларда чопиш мусобақалари қиз қувмоқ ўйинлари, «Оломон пойга» мусобақаси ва катта улоқ ўтказилади.

ЖОНБОЗЛИК

Тошкент темир йўл бўлимига қарашли нон комбинатининг коллективи қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий бинолар ремонтдан чиқарилди.

Ишчи-хизматчилар ўз корхоналари қиш мавсумида бир меъёрда ишлаши учун жонбозлик ва ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Слесарь Т. Салоҳиддинов ўз ташаббуси билан нон ёпадиган бир печни ремонт қилиб берди.

Ҳар қандай топшириқни ўринли бажараётган комбинат ишчи-хизматчиларининг кайфи чоғ. Октябрь ойи плани икки процент ошириб адо этилди.

Комбинат директори Б. Содиқов сифатли нон етказиб бераётган коллектив ҳақида фахрланиб гапирди. Айниқса, дейди у, хамир қорувчи А. Назаров, нон ёпувчи А. Кузнецова, К. Павлова, мастер Т. Климакова В. Юткина каби кекса ишчилар ёшларга ўрнак бўлиш билан бирга, уларга ўз касбларини ўргатиб келишяпти. Комбинат шаҳардаги бир қатор магазинларни, шунингдек, темир йўлнинг қирқ станциясини нон билан таъминлаб турибди.

* *Қиш мавсуми тараддуди*

Янги қандил ва чироқлар

Бугун

электр рўзғор буюмлари заводи Москвадаги Бутуниттифоқ ёруғлик техникаси институтига ўзининг янги хил қандилини тасдиққа жўнатди.

Бадиий совет уларга жуда юксак баҳо берган эди. Бу қандиллар уч, гўрт ва беш лампочкали бўлиб, никель ҳамда бронза билан пардозланган, бежирим кўринишга эга.

Куни-кеча завод янги хил безакли тагликка ўрнатилган уй чироқларини кенг миқёсда ишлаб чиқаришга киришди. Ой охиригача минг донадан ортиқ бундай чироқлар тайёрланади. 1971 йилда эса уларни ишлаб чиқариш ойига 7 минг донага етади.



Шаҳримизнинг энг йирик савдо маркази — Тошкент ЦУМида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш натижасида қулайликлар яратмоқда. Бу ерда бухгалтерия, ҳисоблаш ва бошқа ишлар замонавий ҳисоблаш машиналари ёрдамида олиб борилади.

СУРАТДА: ҳисоблаш машинаси операторларидан Галина Косенко ва Зина Баракова ўртоқлар.

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Тошкентдаги рус Давлат ёш томошабинлар театри коллективи янги саҳна асарининг премьерасини ўтказди. Санъаткорлар швед ёзувчиси Астрид Линд Греннинг повести асосида ёзилган «Тепли узун пайпоқ» пьесасини саҳналаштиришдилар. Бу асарда ҳозирги пайтдаги ёшларнинг қувноқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Икки пардали эртак-комедияни режиссёр Я. Лобач саҳналаштирди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетлари раисларининг Бутуниттифоқ кенгашида ўртоқ М. А. Сусловнинг «Қишлоқ ва поселка Советларининг баъзи бир муҳим вазифалари тўғрисида» нутқи эълон қилинган.

✦ Арманистон дағи тантаналарда қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси 26 ноябрда Тошкентдан Ереванга учиб кетди.

✦ «Жонажон Коммунистик партиямизнинг ғамхўрлигига фидокорона меҳнат билан жавоб берамиз» — дейилади ёш пахтакорлар VI Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларининг мамлакатдаги барча ёш пахтакорларга мурожаатида.

✦ СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан шаҳар меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда, саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш беш йиллик планнинг бажаришда эришган катта ютуқлари учун Рига шаҳри Ленин орденн билан мукофотланди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМБИНАТИ

Студентлар шаҳарчаси йил сайин кенгайиб боряпти. Унда жойлашган олий ўқув юртларида 10 мингдан ортиқ йигит-қизлар таълим олишяпти. Эндиликда бу ерда маиший хизмат кўрсатиш комбинати қуриш лозим бўлиб қолди.

Бугун

«УЗГИПРОТЕХБИТ» ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИ СТУДЕНТЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАБ БЎЛДИЛАР. Бу комбинат студентларнинг ўзига яраша хизмат кўрсатади. Авторучкалар, портфеллар, химчистка, соатсозлик, сартарошлик устахоналари бўлади.

Институтда Бешқайрағоч массивида қуриладиган маиший хизмат билим юртининг биноси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. У 400 ўқувчига мўлжалланган. Билим юртида тўрт қаватли ўқув корпуси, лаборатория-лар, спорт заллари бўлади.

Сайлов олди суҳбатлари

Шу кунларда ҳамма ерда халқ судьялари учун ўтказиладиган сайлов олди ишлари қизиб кетди. Бу борада Октябрь район суди ходимлари ибратли ишлар қилмоқдалар.

Халқ судьялари шу кунларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, «Халқ суди иши», «Давлат ва ҳуқуқ», «Ишчилар бурчи ва ҳуқуқлари», «Никоҳ ва оила» каби темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Район халқ судининг раиси Раҳим Сулаймонов кўи-мўйна заводида, пилламашлик фабрикасида, Пушкин номли маҳаллада бўлиб, у ерда сайловчилар билан суҳбатлар ўтказди.

Шунингдек, район судьяларидан Н. Г. Завялка трактор йиғув, «Мнконд» заводларида, Собит Дадажонов эса Охунбобоев номли маҳаллада, 6-нон заводида совет қонунчилиги мавзуларида лекциялар ўқиди. Улар сайловчилар саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Шаҳарликлар хирмони

Бепоён пахта далаларидаги мисли-сиз «оқ олтин» дурдонасини йиғиштириб олишда шаҳарликлар садоқат билан меҳнат қилдилар. Айниқса, Сирдарё областининг Мирзачўл, Пахтакор, Гулистон, Ильич, Еттисой районларидаги қатор хўжаликларда териб олинган «оқ олтин» салобатли хирмонни ташкил этди. Бундан ташқари Тошкент областининг далаларида терилган ҳосил ҳам беракалидир.

Пахта теримида пойтахтимиздаги Чкалов номли авиация заводи, «Ташсельмаш» трактор, Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонти, «Ташстекстильмаш» каби йирик корхоналарнинг коллективлари актив қатнашдилар. Бундан ташқари Тошкент Давлат университети, политехника, алоқа, ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси инженерлари, педагогика, қишлоқ хўжалиги институтларининг студентлари хирмонга жуда катта ҳисса қўшдилар.

Ҳамшаҳарларим ва унинг бунёд этган хирмони бир юз ўн минг тоннадан ошиб кетди.

ЮБИЛЕЙ МАЖЛИСИ

Шу кунларда бутун прогрессив инсоният К. Маркснинг дўсти ва сафдоши Фридрих Энгельс туғилган кунининг 150 йиллигини нишонламоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтида шу муносабат билан институт илмий советининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги И. М. Муминов «Фридрих Энгельс — буюк революционер ва мутафаккир», фалсафа фанлари доктори, профессор М. Х. Ҳакимов «Ф. Энгельс социалистик давлат ҳақида» ҳамда фалсафа фанлари кандидатлари М. Б. Баратов, А. Файзиев, Т. Р. Абдушукуровлар Фридрих Энгельс ва ҳозирги замон фани масалалари ҳақида доклад қилдилар.

Қардошлар кўмаги билан

Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари мақтаса мақтагудек «оқ олтин» ҳосилини етиштирдилар. Пахта хирмонлари тоғ-тоғ бўлиб кетди. Бундай улкан ҳосилни пахта тозалаш корхоналарида ҳам ўз вақтида ишлаб катта кучни талаб қилади.

«Ўзбекхлопкомаш» заводи республика пахта тозалаш корхоналарига исталган миқдорда хилма-хил эҳтиёт қисмлар етказиб бершга енг шимарди. Бунинг учун Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги машинасозлик корхоналаридан уста слесарлар, фрезерчилар, токарлар, монтажчилар етиб келишди. Қардошлар шу йилнинг ўн ойи мобайнида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда дўстларимизнинг бажарган меҳнати 200 минг сўмга етиб боради. Эҳтиёт қисмларни тайёрлашда пензалик З. Назарова, кузнецклик Д. Кутузов, саратовлик А. Аржанухин, ленинградлик Н. Никифоров каби машинасозлар садоқат билан меҳнат қилдилар.

Қардош машинасозлар бир неча ҳафтадан кейин ўз шаҳарларига жўнаб кетадилар.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Санитария техника жиҳозлари заводи коллективи республика колхоз ва совхозлари учун сув иситадиган махсус қозонлар тайёрлай бошлади. Бундай қозонларни шаҳримизда биринчи марта ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Янги қозон қишлоқ шароитларига жуда ҳам қўл келади. Ундан фермалар, теплицалар, мактаблар, маданият муассасалари ва шифохоналарни иситишда кенг фойдаланиш мумкин. Чунки у «зангори оловда» осонгина ишлайди. Қозонларнинг дастлабки партияси бўюртмачиларга жўнатилди.

ҲУЖЖАТЛАР МУЗЕЙГА

Округ офицерлар уйида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ўтказиладиган кечаларда, ёшлар билан бўладиган учрашувларда бу кишини тез-тез учратиш мумкин.

М. Қосимов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Босмачиларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатди.

Ветеран яқинда СССР Марказий революция музейи директоридан хат олди. Унда музей коллективининг ўзбек ветерани билдирган миннатдорчилиги изҳор этилган.

Маҳкам ака музей илтимосига биноан, Москвага ўз ҳаётига оид ҳужжатлар ва эсдаликлар юборди.

Рассом асарлари кўргазмаси

Ўтган куни республика «Билим» уйи»да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Диодор Владимирович Ушаков асарларининг катта кўргазмаси очилди. Ўзбекистон рассомлар союзи томонидан ташкил қилинган бу кўргазмада республикамизнинг энг кекса рассомларидан бири бўлган Д. В. Ушаковнинг кўплаб асарлари намойиш қилинмоқда.

Д. В. Ушаков ижоди шунчаки билан характерлики, у театр рассоми сифатидаги ўз фаолиятини совет театрининг дастлабки ривожланиш пайтида бошлади. У театр-декорация санъатидаги изланишларининг, инқилобий драматургиянинг саҳнадан кенг ўрин олиши гувоҳи бўлди.

1937 йилда Д. В. Ушаков Тошкентга келди. Бу ерда у таниқли театр рассоми И. Я. Вальденберг билан учрашди. Уларнинг қарашлари, фикрлари, изланишлари бир жойдан чиқди. Натижада улар ҳамкорликда ишлай бошладилар. 1938 йилдан бошлаб уларнинг фамилиялари театр афишаларида ёнма-ён турадиган бўлиб қолди.

Д. В. Ушаков ўз ижоди билан республикамиз театр санъати тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бу нарса у безак ишлаган ўзбек драматургияси «Кашмир афсонаси», «Қонли сароб», «Тўғри ва Эгри» спектаклларида яққол кўзга ташланади. И. Я. Вальденберг билан ҳамкорликда улар классик драматургия, жумладан Шекспир асарларининг ўзбек саҳнасида жой олишига ва муваффақият қозонишига катта ҳисса қўшдилар.

Д. В. Ушаков театр спецификасини, замонавийликни яхши ҳис қилади. 1937 йилдан буён у безак ишлаган уч юз спектакль фикримизнинг ёркин далилидир. Уларнинг кўпчилиги Ватифоқимизда кенг шуҳрат топди.



«Билим» уйи қошида «Академкнига»нинг янги китоб павильони очилди. Бу китоб павильони ҳозир шаҳар меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: сотувчи С. Васильева харидорлар хизматида.

М. Нуриддинов фотолари.

* Пойтахтимиз меҳмонлари

ВЕНГЕР ОЛИМИ

Шу кунларда пойтахтимизда Венгрия Халқ Республикаси Фанлар академиясининг география ва геология бўлими ходими Ретвари Ласло меҳмон бўлиб турибди. Венгер олими аҳоли составининг ўзгаришига доир илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Унинг бу ерга келишидан мақсад ўзбек ҳамкасбларининг илмий тажрибалари билан танишиш ва ўз асарига маълумотлар тўплашдир.

Олим Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география факультетида бўлиб, ўзбек олимларининг ишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бир қатор музейлар, янги кварталларда аҳолининг яшаши, маданий дам олиш каби масалалар билан қизиқди. У республиканинг бошқа шаҳарларига ҳам сафар қилади.

* *Ўзбек қизи овози*

ТОМОШАБИНЛАРНИ МАФТУН ЭТИБ

Совет Иттифоқининг санъат усталаридан иборат концерт группаси Бельгия ва Голландия мамлакатларига қилган гастрол сафаридан қайтиб келди. Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси каби шаҳарларнинг ажойиб санъат усталари даврасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эди. Улар Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик театри раққосаси Гули Ҳамроева ва «Баҳор» рақс ансамблининг доирачиси, республикада хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Дадаевдир. Раққоса Г. Ҳамроева сафар таассуротларини гапириб берди.

— Бизнинг бу мамлакатларга боришимиздан мақсад она-Ватанимизнинг энг яхши санъат намуналарини кўз-кўз этиш эди. Мен бундай сафарга биринчи марта боришим бўлганлиги учун ҳам жуда кўп ҳаяжонландим. Чунки, атоқли санъаткорлар билан бирга бундай сафарда бўлиш жуда катта талабчанлик ва маҳоратни талаб этади.

Биз совет санъаткорлари иккки мамлакатнинг қайси бир шаҳарида бўлмайлик, минг-минглаб томошабинлар концертларимизни олқишлар билан кутиб олишди.

Оддий европали кларгина санъатимизни эмас, балки Совет Ўзбекистони ҳақида маълумотлар билишга ошиқишарди. Гастрол сафари гоятда мароқли бўлди. Биз талабчан томошабинлар олдида ўзимизни имтиҳон берагандек ҳис этдик.

Планетамиз янгиликлари

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ЮТУҚЛАРИ

ХАНОЙ. ВИА агентлигининг озодлик матбуот агентлигига асосланиб берган хабарида айтилишича, 1 ноябрдан 15 ноябрга қадар Камау вилоятида олиб борилган жангларда халқ озодлик қуролли кучлари душманнинг 160 га яқин солдатини сафдан чиқардилар, шунингдек 8 та вертолётини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар. 14 ноябрда Шокчанг вилоятида Жанубий Вьетнамнинг уч рота солдатлари ватанпарварлар қўйган пистирмага дуч келди. Шу ротадан бири яксон қилинди. иккитаси эса катта талафот берди. 18, 19 ноябрь кунлари Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Зялай вилоятида душманнинг 67 солдатини сафдан чиқардилар ва 19 та юк автомобилини яксон қилдилар. (ТАСС).



Таниқли кино артист Генри Фонднинг қизи Джейн Фонд яқингача машҳур кино юлдузи ҳисобланарди. Ҳозир бутун Америка уни АҚШнинг Вьетнамдаги «жирканч уруши»га қарши актив курашчи сифатида танийди.

Яқинда Джейн Фонд «наркотик ташувчи» деган сохта айб билан камоққа олинди. Ҳозирча у пул билан судан кафилликка олинган. Лекин, Америка қонунининг адолатли иш олиб боришига ишонш қийин.

«Менк огоҳлантирганларнинг ўзи етади. Энди кинода мени қиладиган ишим йўқ, мени қора рўйхатга киритишади, менн энг кўнгилсиз жиддий воқеалар кутмоқда...» дейди Д. Фонд.

СУРАТДА: Джейн Фонд Шимолий Каролинадаги университет студентлари олдида нутқ сўзламоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚ ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

КОНАКРИ. Португалияликлар раҳбарлик қилаётган ёлланма жанабийларнинг отрядлари Гвинея территориясига кемалардан тушиб ўрнашиб олишга ҳар қанча уринган бўлсалар ҳам уларнинг бу ўринишлари даф қилинди. Португалия ҳарбий кемалари ва десант туширадиган кемалар, шунингдек сув ости кемаси ҳануз Гвинея республикасининг территориал сувида турибди. Янги агрессия хавфи борлиги сабабли Гвинея демократик партиясининг сиёсий бюроси мамлакат аҳолисига мурожаат қилиб, халқни империалистлари и н г кирдикорларига жавобан ҳушёрликни оширишга чақирди. (ТАСС).



Рўзғор холодильниклари заводи.
СУРАТДА: заводнинг синаш станциясида савдо тармоқларига жўнатилаётган «Оазис-2» маркали холодильникларни синаш пайти. Инженер В. Челикин навбатдаги холодильникни текширмоқда.

*КОМСОМОЛ ҲАЁТИ

ЁШЛАР ПЕШҚАДАМ

Илғор қурилиш ташкилотлари тўғрисида гап кетганда пардозлаш трести номини биринчилар қаторида тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Трест ташкил этилганига энди тўрт йилдан ошяпти. Лекин шунга қарамай, бунёдкорлар коллективининг фидокорона меҳнати трестнинг шуҳратига шуҳрат қўшди, уни пешқадамлар қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлади. Ана шу ўтган даврда қурилиш ташкилоти бошқармалари, участкаларида бажарилаётган иш ҳажми уч марта ортганлиги ҳам фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Айниқса, доҳиямиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланган бу йилда сайқалчилар коллективининг кучаётган зафарлари қувонарли бўлмоқда. Ун олтлик пардозлаш ишлари программаси салкам бир юз саккиз процент қилиб адо этилди. Сайқалчилар қўлидан чиққан бежирим турар-жой бинолари, маъмурий объектлар давлат комиссияси томонидан юксак баҳоларда қабул қилиниб олинмоқда.

Ғўзал шаҳримизда барпо этилаётган бирорта бино йўқки, унда қўли гул сайқалчиларимизнинг меҳнати ўз аксини топмаган бўлсин. Доҳиямиз В. И. Ленинниинг муборак номи билан аталувчи музейнинг шаҳримизда қад кўтарган биноси, Тошкент Давлат университетининг ўн уч қаватли сервиқор бош қўқув корпуси, «Тошсовет» шифохонаси ва бошқа кўплаб муҳташам бинолар олдидан ўтганимизда, биз сайқалчилар ҳам ўзимизда йўқ суюнамиз. Ахир, ким ҳам ўз қилган меҳнати мевасини кўрганда шодланмайди, дейсиз?!

Хўш, зафарларимизнинг сири нимада? Бунга қисқача қилиб, пардозчиларимизнинг ўз иш соҳаларини пухта билганларида деб жавоб бериш мумкин.

Шуни эътиборга олиб, биз ёш пардозчиларнинг пухта билим олишларига алоҳида аътибор билан қараяпмиз. Бунинг учун уларга зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб берганмиз.

Ҳозирги вақтда комсомолёшлардан бир юз қирққа яқини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда овий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда. Бир юз ўттиз саккиз ёш эса техникумларнинг талабалари ҳисобланади. 250 га яқин ёш пардозчи ишчи-ёшлар мактабларида таҳсил кўрмоқда.

Бундан ташқари йил бошидан буён 270 киши трест ҳузуридаги малака ошириш комбинатида ўз ихтисослари бўйича билимларини мустаҳкамладилар. Уч юзга яқин комсомол-ёш тажрибали устозларидан ўрганиш йўли билан ўз малакаларини оширишга муяссар бўлдилар.

Шарафли меҳнатлари билан трестимиз шонига-шон, довруғига-довруғ қўшиб келаётган ёшларимиз билан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Донгдор сувоқчи, комсомол XVI съезди делегати Зулфия Ниёзова, сайқалчилар бригадаси етакчиси Петр Савчук, ёғоч устаси Комил Дўстматов, оқловчи Рустам Юсупов каби ўз касбларининг моҳир усталарини трест машъалларн десак, янглишмаймиз.

Пардозчи ёшларнинг яратувчилик меҳнати ўз вақтида тақдирланиб борилмоқда. Улардан 138 киши «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланди. Эллик олтита бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган муқаддас ном берилган. Бу бригадаларда ҳозирги вақтда 300 га яқин меҳнат зарбдорлари ғайрат кўрсатиб ишлашяпти.

Трестимиз бошқармаларида коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кенг кулоч ёзмоқда. Уч юз элликдан ортиқ комсомол-ёш ана шу ҳаракатнинг актив қатнашчиларидир.

Ленинча синовларнинг биринчи даврасини муваффақиятли якунлаган трест комсомоллари ҳозирги вақтда бу синовнинг КПСС XXIV съезди шарафига бағишланган иккинчи даврасига пухта ҳозирлик кўришяпти. Бу тайёргарлик «Партия ва Ленин ишига содиқмиз» деган шиор остида олиб борилмоқда.

Трест бошқармаларида шу кунларда икки мингга яқин ёш ишчи ғайрат намуналарини кўрсатиб ишлашяпти. Улар ғўзал шаҳримиз ҳуснига янада ҳусн қўшиб, эзгу мақсад йўлида олға одимлаяптилар.

И. ФОЗИЛОВ,
пардозлаш трести комсомол комитетининг секретари.

УЙ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

СЕРИЯЛИ индустриал уйсозлик — уй-жой қурилишида асосий роль ўйнайди, Тошкентда қурилган турар-жой биноларидан эллик беш проценти пойтахтимиздаги 1-уйсозлик комбинати зиммасига юкланади. Ун йил мобайнида комбинат умумий майдони 1 миллион квадрат метрдан кўпроқ бўлган турар-жой бинолариға маҳсулот тайёрлаб берди.

Аммо, шунга қарамай, йиғма уй блокларини тайёрлаш «ТДСК—СПТ» сериясидаги тўртта вариантдан иборат бўлиб, шаҳар қурилишидаги талабларга тўла жавоб бермайди, аҳоли учун зарур бўлган барча қулайликларни ўз ичига олмайди. Жумладан, хоналарнинг жойлашиши ҳар хил составдаги оилаларни ўз ичига олмайди. Хоналарда ёрдамчи қулайликлар етишмайди. Ҳозирги замон рўзғор буюмларидан фойдаланиш учун имконият кам.

Уй-жой массивларининг архитектураси бир-бирига ўхшайди. Ташқи кўриниши унча яхши эмас. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ўтган йилнинг август ойида Узбекистон КП Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети Тошкентдаги йирик панелли уйсозлик комбинатининг биринчи заводини анча яхшиланган лойиҳадаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳақида қарор чиқардилар.

«Ташгипрогор» институти зиммасига янги уй лойиҳасини тузиш вазифаси юкланди. Лойиҳа топшириғини архитектор Е. Ф. Ясногородский ва институт бош инженери Б. А. Краков бошчилигидаги бир группа мутахассислар — тўртинчи устахона коллективи тайёрлади. Топшириқ тасдиқланди. Янги сериядаги «ТДСК—УСП» ёки комбинат томонидан берилганидек, Краков уйи тайёрланди. Бундай уйлар қурилиш учун рухсат олди.

Янги уй олдингисидан нима билан фарқ қилади? Лойиҳачилар иш вақтида қандай масалаларни ҳал этишди? Бу ҳақда лойиҳа бош архитектори Е. Ф. Ясногородскийдан гапириб беришни илтимос қилдик.

— Янги бино лойиҳасини тузишда илгариги лойиҳанинг архитектура, планировка ва конструктив хусусиятлари асос қилиб олинди. Бунда конструктив, эксплуатацион, технологик ва иқтисодий характер қатъий ҳисобга олинди.

Эски сериядаги уйлар анча камчиликларга эга. Бир қисм уйлардан шамол ўтмайди. Ҳолбуки, иссиқ иқлимда шундай шамол зарур бўлади, Ошхона, санитария узеллари, ванна ва айвон кичик бўлиши туфайли, кир ювиш машинасини жойлаштиришга жой етарли эмас. Айвондан ёз пайтида фойдаланиш ноқулайлик туғдиради. Меҳмонхона эса кўпчилик вақтда у хонадан бу хонага кириш вазифасини бажаради, нормадагига нисбатан анча кичкина. Бунинг устига, у уйлар кичик оилалар учун мўлжалланмаган. Беш хонадан иборат.

Шу туфайли, «УСП» сериясидаги уйлар лойиҳасини тузган муаллифлар йирик панелли бинолар қуришга фақат уларнинг жойлаштириш структураси ва архитектура кўринишини ҳисобга олмай, хонадонлар учун зарур миқдорда қулайликлар туғдиришни ҳам ўз олдиларига катта вазифа қилиб қўйдилар. Кишилар истиқомат қиладиган уйлар анча кенг ва чиройли бўлиб қолди.

Кичик квартираларда ошхоналар 7,6, катта уйларда эса 8,62 квадрат метрга етди. Лойиҳачилар кичик габаритли ванналарни бартараф қилиб, лойиҳага 1,7 метрли ванналарни киритишди. Агар илгари ошхона орқали ваннахонага кириладиган бўлса, эндиликда коридор орқали уларнинг ҳар бирига алоҳида эшик қурилган. Айвонлар ҳажми ҳам 2,10 метрга кадар кенгайтирилди. Эндиликда, у ерда стол-стул қўйиб овқатланиш мумкин. Ёзги хонага ошхона орқали чиқилади. Лойиҳа конструкциясига ҳам анча ўзгартиришлар киритилди. Иситиш ташқи панель деворига ўрнатилган найчалар орқали амалга оширилади. Овоз ўтказмаслик учун квартиралар орасидаги девор икки сантиметр қалинлаштирилган. Плиталар ҳам худди шундай ўзгартирилган.

Лойиҳада ташқи безакда кулолчилик безакларидан фойдаланиш, кўшдан муҳофаза қилиш ва бошқа қулайликлар кўзда тутилган.

Лойиҳа тузилаётган пайтда ҳозирги замон шаҳар қурилишидаги барча қулайликлар ҳисобга олинди. Серия составига ҳар хил квартираларни ўз ичига олган тўртта блок секция киритилди. Бу эса аҳолининг барча талабларига жавоб берадиган бўлиб, олтита блок уй — 16, 24, 32, 56, 72 квартирадан иборат бўлади. Блок секцияларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли, қурилиш принципи ҳам янгича ҳал этилади. Завод панелларни тайёрлайди, архитектор ундан уй йиғади. Блок секциялар наборидан архитектор ҳар хил структурадаги уйларни тайёрлаши, ўзи танлаган секцияни ҳисобга олиши мумкин.

Бундай уйлар келажакда турар-жой биноларининг бир хилда бўлишига барҳам беради. Хонадонлар учун зарур қулайликлар туғдиради.

Н. ДМИТРИЕВА.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

МИЛЛИОНЕР

ЭРТА тонг. Биринчи рейсдаги трамвайнинг йўлга чиқишига ҳали бир оз вақт бор. Усмон ака трамвай салонларини саранжом-саришта қилиб, тормоз системаларини яна бир бор кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Зум ўтмай трамвай жойидан оҳиста силжийди. У йўловчилар хизматига шошилади...

Усмон ака шуларни ўйлар экан, ҳаёл уни узоқ-узоқларга олиб кетди...

У оддий йўл нозири эди. Тўқимачилик комбинати, ТошМИ, «Узбексельмаш» бўйлаб пўлат йўлларни бунёд этишда, қайта реконструкция қилишда баракали меҳнат қилди. Кейинчалик Усмоннинг кўнглида трамвайни бошқариш иштиёқи пайдо бўлди. Моҳир ҳайдовчи С. Сандов унга трамвай ҳайдашнинг сир-асрорларини ўргатди.

Усмон ака бошқарган трамвай Охунбобоев майдони томон шиддат билан борар эди. Тўсатдан унинг ғилдиракларн рельсга чиппа ёпишди. Салонда гала-говур кўтарилди. У кабинадан тезлик билан тушди-да, хавфли ҳаракатга қарши ишланган панжара устида ётган қизни авайлаб кўтариб олди. Тирик, ҳайрият!

Гапиришга ҳам мадорн қолмаган саккиз ёшли Зумрадниинг онаси моҳир ҳайдовчига раҳматлар айтди...

У. Йўлдошевнинг пўлат йўлда хизмат қилганига йигирма йил бўлди. Уша кезларда пойтахтимизда юз километрдан зиёд трамвай йўли бор эди, холос. Ҳар куни ўттиз-ўттиз беш «шарикроқ» вагон ҳамшаҳарлар хизматида бўларди.

Ҳозирги шаҳримизнинг чиройли бутунлай бошқа. Трамвай линияларининг узунлиги икки юз йигирма километрга етди. Биргина Усмон ака хизмат қиладиган 2-трамвай депосидан эса юзта вагон аҳолининг узоғини яқин қилиб келаётир.

«ЛМ—Т» маркали замонавий типдаги янги Ленинград вагонларининг пойтахтимиз кўчаларида пайдо бўлиши кўпчилик диққатини ўзига тортди. Тажрибали вагон ҳайдовчи биринчи бўлиб шу вагонни аҳолига тақдим этди.

«ЛМ—Т» маркали замонавий типдаги янги Ленинград вагонларининг пойтахтимиз кўчаларида пайдо бўлиши кўпчилик диққатини ўзига тортди. Тажрибали вагон ҳайдовчи биринчи бўлиб шу вагонни аҳолига тақдим этди.

Янги вагонларнинг ўзига хос томонлари кўп. Ҳаракатланаётганда ҳам, тўхтаганда ҳам вагон ичи ёруғ, ҳаво тоза. Ҳайдовчи ўз ишини енгил-елпи бажаради. Ҳаракатни бошқариш, тормозлаш, эшикларни очиш ва ёпиш — ҳаммаси автоматлаштирилган. Ҳайдовчи ўз ўрнидан туриб кетмайди. Ҳатто ўтирадиган ўриндиғи ҳам ўзгартирилган. Ҳайдовчи ўтирган ҳолда ҳам, турган ҳолда ҳам ишлаши мумкин.

Усмон ака ҳозирги вагонларнинг ҳаммасини синчиклаб ўрганиб чиқди. Ҳайдовчилар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, янги вагонни биринчи бўлиб ўзи ҳайдаб кетди.

Усмон ака ҳозирги вагонларнинг ҳаммасини синчиклаб ўрганиб чиқди. Ҳайдовчилар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, янги вагонни биринчи бўлиб ўзи ҳайдаб кетди.

Депонинг пешқадам ҳайдовчиси У. Йўлдошев 11-маршрутдаги 1257-номерли вагонни бошқаради. Диспетчер Ольга Абдурахмованинг айтишича, унинг вагони домм график бўйича ҳаракат қилади. Техника томонидан эса пишиқ ва пухта. У шу маршрутнинг бригадири, коммунистик меҳнат зарбдори.

Бешинчи йилликнинг юбилей йили Усмон ака-нинг ҳаёт саҳифасидан бир умр ўчмайди. У миллион километр йўл босиб ўтди. Бу пўлат йўл устида дунё бўйлаб йигирма беш марта саёҳат қилди, деган маънони билдирадн.

Миллионер ҳайдовчининг бошлаб берган яхши ташаббусининг қанотн бор. У депо ҳайдовчилари орасида кенг ўрин оляпти. Ғафур Сулаймонов, Аҳмад Ҳакимжўжаев, Эркин Топилов, Мария Большакова, Елена Слабоспицкаялар У. Йўлдошевнинг издошларидир.

Коммунистик партиянинг XXIV съезди шарафига Йўлдошевнинг олган социалистик мажбуриятн юксак. У партиямиз съездига кадар пландан ташқари эллик минг киштга маданий хизмат кўрсатишга, икки ёш ҳайдовчига мустақил вагон бошқаришни ўргатишга аҳд қилган.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ШОИР БИЛИМ ГУЛШАНИДА

Муҳташам мактаб биносида одатдан ташқари қувонч жўш уради. Қўлларига қизил бағиш тақкан ёшлар бу ерга келаётган меҳмонларни очиқ чеҳра ва ҳурмат билан кутиб олишяпти.

Октябрь районидаги 169-мактабда яқинда Узбекистон халқ шоири, драматург, публицист ва таржимон Уйғун ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган конференция жуда мазмунли бўлди.

Тантанали учрашув кечасини қисқача кириш сўзи билан очган мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳаррамхон Одилова Уйғунни мактабга келиши билан табриклади. Шундан кейин, шоирнинг ўзбек совет адабиётини юксалтириш борасидаги ижодий фаолияти ҳақида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати Убайдулла Салоҳиддинова сўз берилди.

Ўқувчилар, шоирнинг «Коммунизмнинг гул боғларига», «Мир загулистон», «Ватан ҳақида қўшиқ», «Тинчлик кабутари», «Она» шеърларини ўқишди ва деклоамация қилишди.

Драматургнинг «Навбаҳор» ва «Алишер Навоий» саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди.

Т. АШРАПОВ.



Аъзам ака Абдуллаев шаҳримиздаги 1-китоб магазинининг ишчан сотувчиси. У доим харидорлар билан хушмуомалада бўлиб, уларнинг талабини ҳисобга олган ҳолда иш тутади.

Яйраб ўсинг, дўмбоқлар!

Болалар — келажагимиз, бахтимиздир. Жонажон диёримизда фарзандларимиз бахтиёр ёшлик даврини суриб, камолотга етишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Болалар боғча-ясилари, парклар, майдончалар, санаторий ва дам олиш уйлари улар ихтиёрида.

Яқинда биз фарзандларимизнинг севимли масканларидан бири бўлган Киров районидаги 124-болалар боғчасида бўлдик. Икки қаватли бинода кичкинтойлар турли ўйинлар билан овора.

Бизни қарши олган боғча мудираси Мухтабар Қодирова билан группаларни айландик. Аввал кичик, сўнгра ўрта ёшдаги кичкинтойлар тарбияланаётган группаларда бўлганимизда, хонадаги жиҳозлар болалар дидига мос чиройли қилиб безатилганини кўрдик.

Зинапоя бўйлаб иккинчи қаватга кўтариламиз. Бу ерда иккита тайёрлов группаси жойлашган. Биринчи хонада тарбияланувчилар меҳрибон мураббийлари ёрдамида табиат манзараларини қоғозга тушираётган бўлса, навбатдагисида пластилиндан турли ўйинчоқлар ясашаяпти.

Бу ерда ўнта группа бўлиб, уларга тажрибали тарбиячилар бириктирилган. Тарбиячилардан Валентина Прозорова, Евгения Кузина, Латофат Умарова, Татьяна Бокова, Раъно Тиллахўжаева, Валентина Курочкина, Насиба Музаффаровалар эркатойлар билан турли хил машғулотлар ўтказишда ҳамкасбларига намуна бўляптилар. Болалар саломатлигини врач В. Чеснокова билан ҳамшира А. Решетниковалар мунтазам кузатиб туришади.

—Тарбиячиларимизнинг кўпчилиги олий ва ўрта махсус маълумотга эга, — дейди мудира. — 260 кичкинтойни ҳар томондама соғлом, меҳнат ва табиатга ихлосманд қилиб тарбиялашда улар бутун куч ва ғайратларини тинмай сарфламоқдалар.

Дарҳақиқат тарбиячилик мураккаб иш. У кишидан катта масъулият ва кўп меҳнат талаб қилади. Чунки фарзандларимизни одобга, ўқиш ва ёзишга биринчи бор ўргатувчи педагог-тарбиячиларни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Биз боғчадан қайтар эканмиз, ҳаётимизнинг порлоқ келажаги — фарзандларимизга тарбия бериш йўлида бутун илм ва ғайратларини тинмай сарфлаб келаётган мазкур боғча коллективини бундан кейинги ишларига ижодий муваффақиятлар тиладик.

Э. ТЎЛАГАНОВ.



Булка-кондитер комбинатининг торт цехи ҳар куни эл дастурхонига торт, пироженое ва турли печеньелар тайёрлаб беради.

СУРАТДА: мастер Е. Сатурян бош бўлган қандолатчилар торт тайёрлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

УЛКАН КОМБИНАТНИНГ ТЎНҒИЧИ

ҚАРШИ. Ўрта Осиёда барпо этилаётган энг йирик қурилиш индустрияси комбинатининг бешта корхонасидан бири — янги авторемонт заводи конвейеридан капитал ремонт қилинган дастлабки двигателлар чиқарила бошланди. Улкан комбинат комплексида темир-бетон ва селекальцит буюмлари заводи, металл конструкциялари заводи ва ёғочсозлик заводи, шунингдек, бир қанча ёрдамчи объектлар бор. Барча корхоналарни қуриш учун 50 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириш керак бўлади.

(ЎзТАГ).

ЗАВОД ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

ФАРҒОНА. Фарғона ҳимиявий тола заводи иккинчи навбат қурилишида корхонани ишга туширишга — созлаш ишлари бошланди. «Оргхим» трестининг Черкасск бошқармаси мутахассислари ва корхонани ишга туширувчи мутахассислар бу ерда монтаж қилинган йигирув-пишитиш станокларини ва бошқа ускуналарни синаб кўра бошладилар.

Шу йилнинг охирида заводнинг иккинчи навбати ишга туширилади. Корхонанинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилгач, бу ерда мамлакатнинг тўқимачилик корхоналари учун химиявий тола ишлаб чиқариш икки ҳисса ортади.

(ЎзТАГ).

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганчда мева ва сабзавотлардан консерва тайёрлайдиган йирик завод фойдаланишга топширилди. Замонавий техника билан жиҳозланган янги корхона йилига беш миллион шартли банка консерва—ўттиз хилдан ортиқ номдаги маҳсулот ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: қовундан тайёрланган мурабболарни идишларга қуйиш.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН...

ОЛМАЛИҚ. Ўзбек металлурглари шаҳри Оямаликда йилига етти миллион сўмлик механик ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди.

Завод лойиҳасига кўра ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулотнинг хилма-хиллиги ва кўркамлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Заводда деталларни никеллаш ва хромлаштириш цехлари қуриш кўзда тутилмоқда. Электр цехида машиналар, танклар, планетаход ва бошқа «техника» электр двигателли батарейлар билан жиҳозланади. Поток линиядан ҳар куни минглаб механик ўйинчоқ тушиб туради.

Бир йилдан сўнг ўзининг дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарадиган Республикада иккинчи—Олмалиқ заводи ҳозирда резина ва пластмасса ўйинчоқлари ишлаб чиқараётган корхона билан биргаликда магазинлардаги ўйинчоқлар турини бир мунча тўлдиради.

(ЎзТАГ).



ОБУНАГА ШОШИЛИНГ

ШАҲРИМИЗДА матбуотга обуна тўплаш жадал суръатда ўтказиляпти. Жумладан, трактор йиғув заводида обуна тўплаш ишларида ўн етти жамоатчи вакил иш олиб бормоқда. Заводда тузилган матбуотни пропаганда қилиш советига ўн тўққиз киши аъзо. Бу советга завод партия комитетининг иккинчи секретари И. Г. Виноградов раислик қилади. Совет аъзолари цехларда бўладилар. Матбуотнинг роли ва аҳамияти ҳақида ишчилар ўртасида суҳбатлар ўтказадилар. Ким қандай газета-журналга ёзилиш иштиёқида эканлигини аниқлайдилар. Совет қошида доимий ишлайдиган обуна қабул қилиш пункти мавжуд. Бу ерга тушган талабномалар асосида обуна ҳужжатлари расмийлаштирилади. Обуна пунктига кутубхоначи ўртоқ Г. Коган бошчилик қилмоқда.

Ҳозиргача заводда ишлаган икки минг тўрт юз ишчи газета-журналларга деярли обуна бўлишди.

Ўртоқ А. Сергеев партия комитетининг секретари бўлган «Миконд» заводида ҳам обуна тўплаш зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Аммо шаҳримиздаги ҳамма завод, фабрика ва муассасаларда бу муҳим снёсий ишга жиддий эътибор бериляпти деб бўлмайди. «Главташкент с т р ой» нинг 1-автобазасида беш юздан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди. Ҳозиргача икки юз олтмиш киши обунага жалб қилинган, холос.

Мана шундай аҳволни ўртоқ Абдуллаев партия комитети секретари бўлган Ўзбекистон дорихоналар бошқармасида ҳам учратиш мумкин. Бошқарма ва унинг қарамоғидаги фабрикада уч юз йигирма киши ишлайди. Ҳозиргача олтмиш кишидан обуна тўпланди.

Шаҳримизда обуна тўплаш кабн снёсий ишнинг моҳиятига тушунмай бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган корхона ва ташкилотлар анчагина. 3-автобаза, қўғирчоқ фабрикаси, 10-авторемзаводи, бадиий буюмлар фабрикаси шулар жумласидандир.

Янги йил учун обуна тўплаш муддати тугай деб қолди. Лекин йилнинг қолган ойларига обуна давом этаверади. Масалан, айрим кишилар бирор сабаб билан обуна бўлолмай қолган бўлса, йилнинг февралидан, бу ойда ҳам улгурилмаса, келаси ойга ёзилиш мумкин. Демак, муддат тамом бўлди деб обунани тўхтатиб қўйиш керак эмас.

Вазифа шундай — шаҳримизда газета-журнал кирмаган бирорта хонадон қолмасин.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
республика «Союзпечать» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

ШИФО МАСКАНИ

Репортаж

Чилонзорнинг В-14 кварталида яқинда тикланган уч қаватли бино йўлдан ўтган катта-кичикнинг диққатини ўзига тортади. Бу ерда кичкинтойларни даволайдиган 10-болалар поликлиникаси иш бошлади. Эртадан кечгача оналар ўзларининг чақалоқларини келтириб, кўрикдан ўтказишади, эмлатишади ва даволатишади.

— Шифохона ишга тушишдан олдин,— дейди поликлиниканинг бош врачи Муҳаммаджон Юсупов, — бутун майдонни тартибга солдик, гулзорлар барпо этдик. Ҳар хил ихота дарахтлари ўтқаздик, Бундан ташқари, микрорайондаги аҳоли рўйхати, болалар рўйхати тўла ҳисобга олиб чиқилди. Шифохона беш юз чақалоққа хизмат қилади.

— Бу ерда қандай касалликларни даволаш мумкин?

— Даволаш, физкультура кабинети, рентген кабинети ва бошқа ҳар хил ички касалликлар ва яраларни даволайдиган кабинетлар бор. Бу кабинетларга малакали врачлар бирктирилган. Даволаш учун келтирилган ҳар бир беморга етарли миқдорда ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд.

Ҳозирги замон медицина аппаратураси билан жиҳозланган кабинетлар ва лабораторияларни кўздан кечирар экансиз, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Собит Аъзамов олдинги шифохона тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Илгари бу ердаги шифохона аҳолига хизмат қилиш учун зарур шароит йўқ эди. Кичкина, тор хоналарда жойлашган кабинетлар беморларнинг ҳаммасини қабул қилиш имкониятига эга эмас эди. Ҳозир, мана кўриб турибсиз, оналар учун ҳам, чақалоқлар учун ҳам, барча шароитлар яратилган. Улар эрталаб болаларига сут олишлари, оналар эса ўзларига ажратилган бурчакда мутахассислардан консультация олишлари мумкин. Бундан ташқари, она сутини



қабул қиладиган алоҳида хона ҳам бор.

Бу ерда район педиатри, яхши мутахассис Светлана Николаевна Барташевич келганларга консультация беради, болаларни қабул қилиб, ҳар томонлама кўздан кечиради, уларнинг овқатланиши ва соф ҳавода сайр қилиши учун вақт белгилайди.

Шифохона барпо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, участка, врачи Тереза Шариповна Уразбахтина, Мария Андреевна Познанская оналар ўртасида катта обрў қозонишди. Физиокабинетдаги медицина ҳамшираси Светлана Сулиқованинг ишидан ҳамма миннатдор.

Шифохонанинг мутахассислари поликлиника ишга тушгунга қадар медицина ҳамширалари ва энагалар билан кўникмалар орттириш учун машғулотлар олиб борди. Уларнинг малакасини ошириш устидан ғамхўрлик қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Эндиликда, поликлиника ҳар куни беш юз кишини бемалол қабул қилмоқда. Келгусида бу шифохона райондаги ўттиз беш минг аҳолига хизмат қилади.

— Бундан ташқари,— дейди бош врач Муҳаммаджон Юсупович,— «Москва» колхози қошида ҳам поликлиниканинг филиали бор. У ерга мутахассис врачлар тез-тез бориб туришади, колхозчиларнинг фарзандларини кўрикдан ўтказиб, маслаҳатлар беришади.Учта врач ва тўрт медицина ҳамшираси колхозда мунтазам хизмат қилади.

Поликлиника фақат болаларни даволабгина қолмай, улар билан ҳар хил машғулотлар ўтказади, ёшликдан жисмоний тарбия ҳамда меҳнат кўникмаларига ўргатишади.

Мана, поликлиникага ёш она ўз фарзанди билан келди. Врач қабулида одамлар кўп. Вақт бекорга кетмаслиги учун улар махсус хонага киришди. Хонада эса болалар учун барча ўйинчоқлар мавжуд. Уларни эртак айтиб, ҳар хил китоблар ўқиб хурсанд қилишади. Мутахассислар эса оналарга лекциялар ўқишади, маслаҳат беришади. Бундай пайтларда оналар учун ҳам, болалар учун ҳам барча имкониятлар яратилади.

Суратлардан бирида бош врач ўринбосари А. Гивелбер махсус хонада оналар ва болалар билан машғулот ўтказяпти. Кўряпсизми, болаларнинг ҳаммаси ўз иши билан банд. Оналар эса врач маслаҳатларини тинглашяпти.

Атрофи боғ билан ўралган ҳар томонлама қулай бино эса болалар учун яқинда солинган поликлиника. Бу ерга келувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Ҳатто шифохона деворларига ҳам оналар ва болалар ҳақидаги турли кўргазмалар осилган.

Массаж қилиш кабинети эртадан кечгача гавжум бўлади. Бу ерда ўз ишини яхши билган ҳамширалар чақалоқларни массаж қилишади, буни қандай бажариш тўғрисида оналарга маслаҳат беришади.



Суратлардан бирида медицина ҳамшираси М. Шупакнинг массаж ўтказаётган пайти тасвирланган.

Х. ҲАКИМОВ,
Т. РАСУЛОВ,
Ю. Бутусов фотолари.



«Созим, овозим»

Яқинда Юсуфжон Ҳамдамнинг «Созим, овозим» шеърлар тўпламиг чоп этилди. Бу китобга кирган шеърлар хилма-хил мавзуларда ёзилган. Прогрессив инсониятнинг улуғ доҳийси В. И. Ленинга бўлган жаҳон эрксевар кишиларининг ҳурмат ва эътибори китобнинг лейтмотивидир.

Партия — Ватан — халқ бири-бири билан эгизакдир. «Партияга ташаккур», «Ватан муҳаббати», «Қураш бешиги», «Октябрь», «Сенинг қудратинг» каби ўнлаб асарларда шоирнинг партияга, халққа, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ифодаланган. Улуғ рус халқи бошчилигидаги мустаҳкам дўстлик, қардошлик муаллиф мисраларида алоҳида кўзга ташланиб туради:

Азамат Россия, шонли рус халқи,
Сенинг заковатинг билади жаҳон.
Жарангли номинг-ла бир умр балқи,
Сенсан қардошларга оға, жонажон.

Авторнинг тўпламига кирган «Азамат дўстлик», «Севан булбуллари», «Бокуда бир оқшом» сингари снёсий-публицистик шеърлар мазмунан бир-бири билан уйғунлашиб кетган.

Тўпламга 113 шеър киритилган бўлиб, у кенг китобхонлар оммаси эътиборига тушади, деган умиддамиз.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзССР Фанлар академияси, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, доцент.

1. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1970 йил. Редактор Ж. Жабборов.



ЯНГИ БУЮМЛАР

В. В. Куйбишев номли Москва электр заводи конструкторлари янги хил электр дазмол тавсия қилдилар. «У-70» дазмоли билан барча хилдаги матоларни дазмоллаш мумкин.

СУРАТДА: энг яхши янгувчилардан бири Светлана Новожилова янги дазмол билан.

В. Кунов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

●Ўсимликлар оламида

Ёввойи сабзи

Ноёб бу ўсимлик соябонгулдошлардан бўлиб, баландлиги 150 сантиметргача келадиган икки йиллик ўт-ўсимликдир. Ёввойи сабзиларнинг Ўзбекистонда уч тўрини учратиш мумкин. Улар дарё ва ариқ атрофларида, боғларда, ҳўл четларида, адирларда, тог олди қисмларида, баъзан ёввойи сабзизорларни ҳосил қилган ҳолда ўсади. У май-июнь ойларида гуллаб, июль-августда уруғлари тушади.

Турли мамлакатларда ёввойи сабзи уруғи ҳар хил дорилармон сифатида ишлатилади. Мисрда бўйракдаги тошларни туширишда, Америка, Европа, Осиё мамлакатларида меъстурацияни кўзғатувчи дори сифатида фойдаланилади. СССРда унинг уруғидан гижжага қарши ва сурги сифатида ишлатиладиган дорилар тайёрланади.

Ёввойи сабзини зиравор ўсимлик сифатида ишлатса бўлади. Ўсимликнинг уруғи ва илдизи ёқимли ҳидли, ундан балиқли, гўштли таомлар тайёрлашда, ароқ-ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. Гўштни жуда таъмли қилади, сифатига таъсир қилмайди ва ташқи кўринишини ўзгартириб юбормайди.

Ёввойи сабзилардан олиниши лозим бўлган эфир мойларини [1,8 — 3,5 процент] парфюмерия саноатида бошқа ўсимликлардан олинаётган эфир мойларига аралаштириб «букет» қилиб ишлатса, жуда ёқимли ҳидли ва юқори сифатли парфюмер маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумкин.

Юқорида баён этилганлардан маълумки, у медицина ва парфюмерия саноати учун энг зарур хом ашё ўсимликлардан ҳисобланади. Шу сабабли ёввойи сабзини ўрганишга аҳамият беришимиз лозим.

Қ. ХОЖИМАТОВ,
биология фанлари кандидати.

Планетамиз янгиликлари

ҚАРДОШ МАДАНИЯТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПРАГА. (АПН ўз мухбири). Прагада ҳозирги ноябрь кунларида ҳам қуёш ёздагидай чарақлаб турибди. Унинг нурлари Прага Кремли манежи — пойтахтдаги энг яхши кўргазма залининг катта ойналарида товланади. Бу ерда ЧССРдаги совет маданияти кунлари учун СССР даги музейлар ва галереялардан келтирилган нодир бадиий асарлар экспозицияси жойлашган. Синфлар кўргонидаги олтин буюмлар, қадимги бояр ва шоҳларнинг киймлари, эски қўлёзмалар, кўп асрлик тарихга эга бўлган қурол-аслаҳалар, илгариги ва янги усталар ишлаган ҳайкал ва картиналар...

— Биз Совет Иттифоқининг буюк маънавий бойлиги билан танишишдек бахтли имкониятга эга бўлдик,— деди ЧССР маданият министри М. Бружек.— Биз унинг анъаналари ва расмларини очиқ кўриб турибмиз, совет санъати халққа хизмат қилаётганлигини, унинг истакларини ифодалаётганини кўриб турибмиз. Биз бу виставкани катта снёсий воқеа сифатида, бизнинг ижодий ташкилотларимиз олдида турган проблемаларни ҳал қилишда кўрсатилган беғараз ёрдам сифатида қабул қиламиз.

Улкан залда виставка учун хос бўлган ғовур-ғувур йўқ. Бадиий дурдоналар ҳар бир кишини маҳлиё қилиб қўяди.

— Сизда нима зўр таассурот қолдиряпти?— сўрайман дунёга таниқли ҳайкалтарош-кулол, профессор О. Эккартдан.

— Бу улуғворликни бирдан қамраб олиш мумкин эмас. Мен бу ерга яна қайтақайта келаман.

Прага миллий театри саҳнасида эса шу кунларда совет санъати вакиллари — музикачилар, қўшиқчилар, раққосалар, бадиий коллектив қатнашчилари томошалар кўрсатишяпти. Лиқ тўлган залда томошабинлар СССР халқ артисти Мария Биешу, РСФСР халқ артистлари А. Ведерников, Н. Колпакова, Л. Зикина ва бошқа кўплаб санъаткорларни табриклашмоқда. Илгаригидай Игорь Моисеев раҳбарлигидаги СССР халқлари рақслари ансамбли ва А. В. Светников бошқарувидаги академик хорнинг чиқишлари залда гўлдурос қарсаклар остида ўтяпти.

Олдинда Чехия ва Словакия шаҳарларидаги концертлар, корхона ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари меҳнаткашлари билан учрашувлар турибди.

М. ПУЧКОВСКИЙ.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ САФЛАРИ ЎСМОҚДА

ПАРИЖ. 1969 йил 1 декабрдан 1970 йил 31 октябргача ўтган ўн бир ой мобайнида қирқ минг киши Франция Коммунистик партияси сафига кирди. Франция Коммунистик партияси федерациясининг ташкилий масалалари билан шуғулланувчи секретарлари кенгашида ана шу рақамлар келтирилди. Бу кенгаш Париж атрофидаги Женвилье шаҳарчасида ўтказилган эди.

(ТАСС).

Ҳиндистон аҳолиси

ДЕҲЛИ. Индия пресс информация агентлиги хабар беради, 1970 йилда Ҳиндистоннинг аҳолиси 540 миллион 700 минг кишига етган. Аҳолининг ўсиши 13 миллион кишидан кўп бўлган. Ҳиндистон аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 2,5 процентдан кўпайиб бормоқда.

ИПА агентлигининг маълумотларига кўра, шу давр мобайнида туғилиш ҳар минг киши ҳисобига 38 кишигача қисқарган, ўлим эса, ҳар минг киши ҳисобига тахминан 13 кишига қадар камайган.

(ТАСС).



АҚШ. «Дженерал моторс» автомобиль компанияси ишчиларининг забастовкаси бир ярим ойдан буён давом этмоқда.
СУРАТДА: «Дженерал моторс» заводларидан биридаги ишчилар пикети. ТАСС фотохроникаси.

ГВИНЕЯДАГИ ВАЗИЯТ НОРМАЛЛАШМОҚДА

ДАКАР. Конакридан олинаётган хабарларга қараганда, икки кун бурун португалияликлар бошчилигидаги ёлланма газандалар ҳужумига учраган Гвинея республикасидаги аҳвол аста-секин нормаллашмоқда. Конакри радиоси Гвинея демократик партияси снёсий бюросининг баёнотини эшиттирди. Шу баёнотда республиканинг ҳамма меҳнаткашлари 24 ноябрь эрталабдан бошлаб корхоналар ва муассасаларда нормал ишни бошлаширилар, деб даъват қилинади. Айни вақтда Гвинея демократик партиясининг снёсий бюроси Гвинея халқини донмо ҳушёр бўлишга ва ҳар қандай вақтда қўлга қурол олиб ватанни ҳимоя қилишига тайёр бўлиб туришга чақирди.

Конакридан Гвинеяга қўшни бўлган Африка мамлакатларига келган ва у ерда бўлган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишича, Гвинеядаги уруш ҳаракатлари тўхтатилган, ёлланган газандалар қаршилик кўрсатаётган айрим жойлар қўлга олинган. Бироқ, Конакри радиосининг берган хабарида айтилишича, ёлланган газандаларнинг кемалари ҳали ҳам Гвинеянинг территориал сувларида турибди.

Илгари хабар берилган ўтилганидек, ёлланган газандалар «Португалияники» деб аталмиш Гвинеядан бир неча кемага тушиб келди, ўша ерда Гвинея республикасидаги мавжуд тузумни ағдариб ташлаш мақсадида ёлланган газандалар тайёрловчи махсус марказлар барпо этилган. Якшанбага ўтар кечаси ва душанба кечаси ёлланган газандалар икки қисмга бўлиниб, Гвинея пойтахти яқинида қирғоққа тушишга ва Конакриннинг стратегик марказларини қўлга олишга уриниб кўрдилар. Бироқ, республиканинг прогрессив» кучлари уларга кескин зарба берди.

(ТАСС).

САВДО МУЗОКАРАЛАРИ

КАРОЧИ. СССР ташқи савдо министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи П. И. Сақун бошчилигидаги совет савдо делегацияси бу ерга келди. Делегация СССР билан Покистон ўртасида 1971—75 йиллардаги товар оборати тўғрисидаги янги битим ҳақида Покистон ҳукумати билан музокаралар олиб боради.

(ТАСС).

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА. Лиссабоннинг ёлланган газандалари Гвинея территориясига бостириб кирганлиги муносабати билан бу ерда Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садатнинг Гвинея президенти Секу Турега мактуби эълон қилинди.

«Бирлашган Араб Республикаси,— дейилади жумладан, мактубда,— Гвинея халқига қарши қилинган империалистик агрессияни кескин қоралайди ва буни бутун Африка қитъасига қарши қилинган агрессия деб билади. Бирлашган Араб Республикаси қардош Гвинея халқининг ўз мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилиш йўлидаги курашини батамом қўллаб-қувватлашини изҳор қилади».

(ТАСС).



ИСПАНИЯ. Ишчи комиссиялари—нолегал демократик касаба союзлар чақириғига кўра Мадридда снёсий маҳбусларни озод этиш учун кураш куни ўтказилди. 15 мингдан ортиқ ишчи «Озодлик», «Амнистия» деб ёзилган шиорлар кўтарнб пойтахт кўчаларидан ўтдилар.

СУРАТДА: намойишчилар Мадрид кўчаларидан бирида.

АДН—ТАСС фотоси.

ТУРКИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ ҲАЯЖОНДА

ИСТАМБУЛ. Туркия жамоатчилиги «Умумий бозор» билан қўшилиш йўлидаги ўсиш даврига яқиндагина кирган ўз мамлакатининг келажаги учун жиддий ташвиш тортаётганлигини билдирмоқда. Бу ерда, мана шундай йўлга қадам қўйилганлиги Туркия экономикасини ҳалокатли оқибатларга олиб келади, чунки мамлакат ғарбнинг ривожланган мамлакатларига кўпроқ қарам бўлиб қолади деб ҳисобламоқдалар. Туркиядаги энг катта оппозициячи партия бўлган халқ — республика партияси бош секретарининг ўринбосари Бесим Устюнел Туркиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятида қатнашишга ўтиш даврига кирганлиги тўғрисида Брюсселда имзоланган қўшимча протоколни шарҳлаб, «Умумий бозор» Туркия миллий саноати учун қабристонга айланади» деди.

Туркия ишчилар партиясининг бош секретари эса Туркиянинг НАТОда АҚШ билан тузган битимларда қатнашуви билан бир қаторда «Умумий бозор»га аъзо бўлиб кирганлиги мамлакат мустақиллигини ҳавф остида қолдиради ва бу мустақилликка тагин ҳам кўпроқ зарар етказади, деди.

(ТАСС).

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПХЕНЬЯН. Корея Марказий телеграф агентлигининг хабар қилишича, Паньминьчжонда Корея томонининг талаби билан Кореядаги яраш ҳарбий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг вакили демилитарлаштирилган зонада яна иғвогарлик қилган Америка томонига кескин норозилик билдирилди. 19 ноябрда Америка қўмондонлиги демилитарлаштирилган зонага юборган ўнлаб ҳарбий хизматчилар Корея халқ армиясн постларига қараб бир неча минг марта ўқ узди.

АҚШ Жанубий Кореяга янги ҳарбий қисмларни юбориб турган. Жанубий Кореяда Шимолий Кореяга қарши қаратилган ҳарбий маневрлар тўхтовсиз ўтказилаётган бир пайтда ана шундай қуролли иғвогарликлар қилинаётганлигига Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳарбий вакили мажлисда эътиборни жалб қилиб, ўтди.

(ТАСС).

ЛАОС ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Вьетнам информация агентлиги Каосан Патет-Лао агентлигининг маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилади: Лаос ватанпарварлари қуролли кучлари жангчилари 16 ноябрда Сиенкуанг вилояти осмонида Америкаиинг бир самолётини уриб туширдилар. Улар шундан бир неча кун илгари Вьентьян яқинида Америкаиинг яна бир самолётини уриб туширган эдилар. Лаос осмонида шу вақтгача Америкаиинг уриб туширилган самолётлари ва вертолётлари сони 1.557 тага етди.

(ТАСС).

Америкаиинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги агрессив снёсати ўзини оқламади, балки бутун прогрессив инсониятнинг газабн ва нафратига дучор бўлди.

[Газеталардан].



ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Америкаиинг «Геральд трибюн» газетасидан олинган сурат.

Моваҳҳад ДИЛМАГОНИЙ



ҲИКОЯ

Қуёш ботай деганда Дамавондаги* Писари Ҳожи чойхонаси олдига эски, шалоғи чиққан «Шеврол-38» келиб тўхтади. Унинг кабинасидан шофёр сакраб тушиб, радиатор пробкасини очди. Радиатордан оппоқ буғ кўтарилди. Автомашинанинг бошқа эшиги очилиб, ундан Рашид бирга келаётган икки йигитча ёрдамчилари билан тушди. Рашид эснаб, бироз турди, сўнг чойхонага кириб, эшик олдига қўйилган скамейкага ўтирди. Ёнига шофер келиб ўтирди. Рашид икки стакан ширин чой буюрди.

Рашиднинг ёрдамчилари —ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигитчалар машинадан дайди артистнинг лаш-лушларини олиб чойхона омборига элтиб, тахлаб қўйдилар.

— Аҳмад оға,—деб сўз бошлади Рашид шоферга қараб,—мана, беш йилдан буён шу ерга сурункасига гастролга келаман. Илгари ишларим сира юришмас эди, ҳозир худога шукур ёмон эмас: унча-мунча насибамизни териб юрибмиз. Аммо бизларнинг ишимизни сизларники билан тенглаштириб бўладими. Сизларнинг чўмичларингиз ҳамиша мойда...

Оғзин, ўттиз беш ёшлардаги ҳорғин юзли Аҳмад оға, эринибгина эснаб, стакандаги чойдан хўплаб туриб жавоб қайтарди:

— Йўқ, ука, бизнинг ишларимиз унчалик мақтайдиган эмас. Тўғри, илгаригидек ёмон эмас эди, мана ҳозир бир неча йилдан буён янги системадаги машиналар чиқиб, аҳволимизга итлар йиғлайдиган бўлиб қолди. Менинг эски машинам тамом ишдан чиқиб қолди. Болтлар бормн, мурувватларни, ҳаммасини ўзгартириб ҳам кўрдим, барибир, Рашид оға кунда бир ишкали чиқиб туради... Кейинги вақтларда шахсий иш қилиш чўт бермай қўйди. Бундан бир неча йил олдин бошқа гап эди! Шундай вақтлар бўлардики, бирон жойга бир қатнасанг, шунинг ўзи кифоя. тирикчилигинга бир ойга етарди... Уйда роҳатланиб ўтирардинг... Ҳозир эса рақибларнинг кўпайиб қолди. Бизларга ҳеч нарса етмай қоляпти. Бирон узоқроқ шаҳарга бориб келсаммикан, деб ҳам ўйлайман, аммо кўрқаман, ярим йўлга етмай машина юрмай қолса, икки кўлимни бурнимга тиқиб қоламан. Унда нима бўлади?

Рашид питирлаб ўтириб, сўзлади:

— Мен ҳам Теҳрондан кўра тинчроқ бир жой топиб кетаймн деб турибман-у, аммо сизга ўхшаб қўрқаман. Одам эртага нима бўлишини билармиди.

— Шу келишингизда тўй қилармишсиз деб эшитдим, рост гапми? Агар рост бўлса, қойил табриклаймиз!

— Раҳмат! Ҳаммамиз шундай деб ўйлаб турибмиз. Яна ким билади дейсиз, худо хоҳлагани бўлар...

— Тўйга айтиш эсдан чиқмасин!

— Ташвишланманг, эсимдан чиқармайман.

Аҳмад оға ўрнидан турди. Рашид ҳисоб-китоб қилгач, у жўнаб кетди. Ёрдамчилар ҳам ишларини саранжомлаб бўлишгач. Рашиднинг ёнига ўтириб, чой сўрашди.

Чойхонадан атрофдаги теплик ва жардиклар яхши кўринар эди. Ботаётган қуёшнинг хира нурлари тог қирралари ва дарахт учларида ўйнарди. Унда-мунда кўринаётган булут парчалари ёнаётган пахта бурдаларига ўхшарди. Кўҳна масситнинг яшил пештоқида бир тўда оқ каптар чарх урарди.

Одатдаги бу осойишта манзарага қараб турган Рашиднинг ғайрати жўш уриб кетди, шекилли.

— Йигитлар,—деди у скамейкадан туриб.—нарсаларга эҳтиёт бўлинглар! Бозордан чиққан ўгрилар қўлларига илинганини қўймайдилар! Кечки овқатга мени кутманглар.

Рашид топшириқни бериб, ўзи шаҳарга тушиб кетди.

* * *

Рашид баланд бўйли, қадди-қомати келишган, чинакамига полвонга ўхшарди. У анчадан буён Теҳрон ва унинг атрофларида, айниқса шаҳар атрофидаги қишлоқларда спорт ўйинлари кўрсатиб юради. Ҳар бир ўйинидан кейин тушадиган пулга тирикчилиқ қилади.

Рашиднинг ҳаёт йўли олдин. Ёши унчага бормаган бўлса ҳам, у кўпгина касбларни қилиб кўрди: газета сотди. баққолчилик дўконига шогирд тушди, қисқа вақт шофернинг ёрдамчиси бўлди, стадионларда ва спорт клубларида ширинликлар, чайнайдиган резина, ажил* сотиб юрди. Шундай қилиб ўзи, онаси ва синглисининг тирикчилигига пул топишлаб юрди. Кейинчалик спорт билан шуғуллана бошлади. Спорт снарядларида машқ қилди. Зўрхоналарга* қатнаб, оғир тошларни кўтара бошлади. сузишни ўрганди. Кундан кунга унинг мускуллари бадани чиниқа борди. У ҳамиша одамнинг хаёлини ҳайратга соладиган қизиқ, фавқулодда нарсаларни яхши кўрарди. Айниқса у полвонлар ва баҳодирлар чиқишига жуда қизиқарди.

Безори ва ўғрилар тўпига қўшилиб қамалган вақти ҳам бўлган. Аммо кейинчалик у бир паҳлавон билан танишиб қолиб, ўз тақдирини белгилаб олди. Турли хил ғаройиботларни қидириб юрадиган Рашид цирк артисти бўлиб қолди. У ўзига керакли лаш-луш олиб, мамлакатнинг турли шаҳарлари бўйлаб гастролга юра бошлади.

Ҳозир Рашид ўттиз ёшда. Сочлари тўкилди, шунинг учун одамлар уни кал полвон дейишади. Унинг юзи дағал. Мавҳум ҳеч қандай ифодасиз нигоҳи ҳаёти давомида йўқчилик ва ташвишдан бошқа нарса кўрмаганидан далолат беради. Ҳаётида қувончли дамлар камдан-кам бўлган. Бироқ ўтган йили худди шу вақтда Дамавонга келганида бир кутилмаган воқеа унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчасини остин-устун қилиб ташлади. У қайта туғилгандай бўлди. Илгари у сира бунақа бўлмаган эди.

Ўтган йили худди шу вақтларда Рашид Дамавонда томоша кўрсатаётган эди. Кеч кирди. Атрофда анча одам йиғилган. У одатдагидай ўзининг машқ ва номерларини кўрсатар эди. Танаффус вақтида уни бир қиз ғамгин қиёфада диққат билан кузатаётганини сезди.

Рашид унга қарай бошлади. Қиз чодрасини бир оз-да-ю, яна ёпиб олди. Рашид қизнинг жуда келишган қадди-қоматини кўриб қолди. Гулдор чодра тикилган чодра унинг юзини тўла ёпмаган эди. Рашид қизнинг ёниб турган қора кўзларини ва бир тутам сочини кўрди. Унинг кўзлари кулиб турарди. Қизнинг мақсадини кутилмаганда ҳузур бахш этди. Унда қувонч туйғуси уйғониб, ғалати бўлиб безовталана бошлади. У оломонга эътибор ҳам бермай қўйди, сал бўлмаса қаерда ва нима қилаётганини ҳам унута ёзди.

Қоронғу тушди. Томошани тугатиш керак. У одатдагидай халқ шаънига ёзилган қасидасини ўқиб, йиғилганларга мурожаат қилди:

—Жаноблар, қарангларки Мен мана бу темирни эгяпман! Шу билан томоша тамом. Энди миллий спортга ёрдам беришларингизни сўрайман. Ахир бу Ватанимиз фахри...Сизнинг ёрдамингиз бўлмаса, мен бундан кейин томоша кўрсата олмайман. Жаноблар, бу биринчи чиқишим бўлмайди. Шаҳарларингизда яна томоша кўрсатаман.

—Бош устига, ҳуш келибсиз, офарин, жаноб! Илоҳи олло-таолло мададкор бўлсин! Илоҳи ниятингизга етказсин! Одамлар қимирлаб қолиб, чўнтакларини ковлай бошладилар, ҳар ким ҳолқудрат Рашиднинг намат қалпоғига пул ташлади. Ҳалиги буғдойранг, қадди-қомати келишган қиз Маъсума. чодрасининг бир чеккасини очиб, беш реаллик кумуш танга олиб, қўлини чўзиб уни. Рашид ушлаб турган қалпоққа ташлади.

Рашид бир зум тўхтаб, унинг кўзига тик боқиб, миннатдорчилик билдирди. Маъсума аъзойи-бадани қизиб кетганини сезди. Юраги аллақандай тушуниб бўлмайдиган ёқимли бир қувонч ҳисси билан тўлиб-тошарди.

(Давоми бор).

* Дамавон—Теҳрондан унча узоқ бўлмаган шаҳарча.

* Ажил—Эроннинг миллий ширинлиги.

* Зўрхона—ўзига хос спорт клуби. Бу ерда спортнинг миллий турлари билан шуғулланилади, оғир чўян тошлар кўтарилади.

* Қизиқ гаплар

Одамхўр илон

Бу воқеа шарқий Покистонда содир бўлди. Саккиз яшар бола ўт ўришга кетган эди. Ҳа деганда келавермагач, ота-онаси хавотир бўлишиб далага чиқишади. Ўғиллари ўт ўрадиган ерда катта илонни кўриб қоладилар. Илонни ўлдирганларида ичидан ўғилларининг жасади чиқади.

«Қопағон томошабинлар»

ТОКИОДА итлар учун махсус меҳмонхона бор. Унинг хоналари қимматбаҳо мебеллар ва гилам билан жиҳозланган. Яқинда хоналарга телевизор ҳам қўйилган эди. Итлар телевизорни кўрганда, ириллаб, меҳмонхона хизматчиларига ташлана бошладилар. Ҳозир телевизор қўйилишидан олдин «қопағон томошабинлар»га асабни тинчлантирадиган дорилар берилмоқда.

Энг узун электр поезди

ЯПОНИЯ темир йўллар бошқармаси энг узун пассажир электр поездини синаб кўрди. Унинг узунлиги тўрт юз метр бўлиб, соатига икки юз ўн километр масофани боса олади.



«Болалар дунёси» магазини шаҳримизнинг йирик ихтисослашган савдо марказларидан бири. Бу ерда исталган буюм ва кийимни харид этиш мумкин.

СУРАТДА: Магазин бўлимларидан бирида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—28|XI да **Темур Малик. Сув ҳақида достон. Тирик аланга.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—27|XI да **Аямонларим.**

28|XI да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27|XI да **Гули снёх,** 28|XI да **Фарғона тонг отгунча.**

Кино

27 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 да). «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Гул ва тош (2 серия)—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқурун).

Бу телба дунё—«ЎЗБЕКИСТОН 25 НИЛЛИГИ» (кечқурун).

Соҳибжамол малагим — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 НИЛЛИГИ» (кеч 9 да).

Бир ёзнинг ўн қиши (кечқурун).

Спартак (кеч 6 да)—«МОСКВА».

28 НОЯБРДА

Чайковский (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 8,45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Гул ва тош (2 серия)—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё—ЎЗБЕКИСТОН 25 НИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

Спартак—«МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

Лаҳма (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ярим ва 3 яримда).

Соҳибжамол малагим (кундуз соат 5 ярим ва кеч 9 да);—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 НИЛЛИГИ».

Бир ёзнинг ўн қиши (кундуз ва кечқурун). **Спартак** (кундуз соат 12,5 ва кеч 6 да)—«МОСКВА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Киров кўчаси, 11-уй

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЁШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли цирк томошалари.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 6 да;

якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ШАҲАР 5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1970—71 ўқув йили учун мутахассисликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аёлларнинг енгил кўйлакларини тикувчилар.

Ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати—1 йил;

Оёқ кийимларини тикувчилар ва тайёрловчилар.

6,7 синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати—2 йил.

15 ва ундан катта ёшдаги Тошкентда яшайдиган йигит ва қизлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар. Ўқишни тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига иш стажи борлар билан бир қаторда қабул қилинадилар.

Кирувчилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, медицина справкаси, 3Х4 сантиметр ҳажмдаги 4 дона фото-сурат, турар жойидан справкаларни топширишлари шарт.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (2, 3, 6, 30, 51, 54-автобуслар, 2, 6, 13-троллейбуслар, 7, 9, 14-трамвайларнинг «Театральний бекати), телефон № 55-05-07.

9 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Сулаймонова кўчаси, 33-уй)да геология-минералогия фанлари қандидати илмий даражасини олиш учун:

С. К. Саломова: «Ҳозирги Ғарбий-жанубий этакларидаги пастки ҳамда ўрта юра чўкиндн жинсларининг нефт-газлилигига хос литологик-геохимик белгилари» деган темада;

Н. А. Мазаненко: «Қорачатоғ (Жанубий Нурота) тоғларидаги силур шлир ва унга боғлиқ бўлган формацияларнинг литостратиграфияси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхоналари (Ш. Руставели кўчаси, 114-уй; Сулаймонова кўчаси, 33-уй) да танишиш мумкин.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР:

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИГА

(Киров кўчаси, 28-уй)

РАЙОН КАССИРЛАРИ ВА ШТАТЛИ КАССИРЛАР

КЕРАК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИГА (Ш. Руставели кўчаси, 18 уй, 10-хона)

цирк билетларини тарқатиш бўйича кассирлар

КЕРАК

ЛЕНИН РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

(1-Кафанов тупиги, 5-уй)

буфетчилар, официантлар, идиш-товоқ ювувчилар, фаррошлар

КЕРАК

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг хўжалик ҳисобидаги

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ КОНТОРАСИГА

(У. Юсупов кўчаси, 1-«а» уй, телефон № 39-84-88)

электр ускуналари ва қурилиш материаллари омборига мудир

КЕРАК

«ЎЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИГА

(Навоий кўчаси, 10-уй)

Склад бошлиғи, экспедитор

КЕРАК

«Промэнергогаз» Ленинград техника-ишлаб чиқариш корхонасининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

(Академиклар шаҳарчаси, теплотехника корпуси)

инженерлар ва техниклар: буг қозонларини ишга тушириш ва созлаш бўйича, ҳамда саноат печкалари ва сув тайёрлаш ускуналарига теплотехниклар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТЕЛЕВИЗОР

27 НОЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Кичкинтойларга эртаклар. **18.30** «Ахборот» информацион программаси. **18.40** Музикали программа. **19.20** АРМАНИСТОН ССР ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММА (ўзбек ва рус тилларида).

Ўзбек тилида: 20.20 Ота-оналар университети. **21.00** Миллионлар ютқисоди университети. **21.15** «АХБОРОТ» информацион программаси. **21.30** «Фавқулодда топшириқ». Бадиий фильм. **22.55** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 2-синф ўқитувчилари учун консультация (рус тилида). **18.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика (ўзбек тилида). **19.15** Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Концерт. **20.35** Ўқувчилар учун эшиттириш. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ф. Энгельс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан. **21.35** Рангли телевидение. «Сурат олдидаги суҳбат». **22.05** Цирк чироқлари. Концерт программаси. **22.45** Рангли телевидение. Сергей Есенин шеърлари асосида адабий-музикали композиция. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Момиқ олтин». Телефильм. **20.10** Симфоник оркестрининг концерти. **20.50** «Пржевальский». Бадиий фильм (рус тилида).

28 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 «Тамарахоним куйлайди». **11.35** «Оқ йўл сенга, зангори кушча». Бадиий фильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.35 СОВЕТ АРМАНИСТОНИ ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ. АРМАНИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА АРМАНИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Ереван шаҳридан олиб кўрсатилади. Мажлис охирида Арманистон артистларн ижросида концерт.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 Телевизион кўғирчоқ театри. **17.40** «Бизнинг марш». Ҳужжатли фильм. **18.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». **18.45** Ф. ЭНГЕЛЬС ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА. «Илмий коммунизм асосчиси». **19.15** «Эстрада шиналандалари, сизлар учун». **19.45** «АХБОРОТ» информацион программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Рангли телевидение. «ҲАЙВОНОТЛАР ОЛАМИДА». **21.00** Янгиликлар. **21.05** Рангли телевидение. «Аргимчоқ». **22.00** Арманистон Компартияси Марказий Комитети ва Арманистон ССР Олий Советининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ҳақида репортаж. **23.15** Арманистон ССР санъат усталарининг концерти. **24.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

12.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тилидан 6-машғулот. **12.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Электрон техникаси» (ўзбек тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

16.00 Эфирда «Молодость». **17.00** Рангли телевидение. «ИНТЕРВИДЕНИЕ» кубоги учун. Бадиий гимнастика. **18.15** «Заигори шёла». Телевизион бадиий фильм. **19.15** Маданият факультети.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «МАРДЛИК —МАНГУЛИК». **20.40** «Турмуш ва маданият». Тележурнал. **21.10** Ялла ва рақслар. **21.50** «Шимол камалаги». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

РАДИО

27 НОЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Совет музикасининг тараққиёт йўллари». Суҳбатли концерт (русча). **18.00** «Ф. Энгельс ва К. Марксинг «Капитал»и. Суҳбат (ўзбекча). **18.10** «Нодир ёзувлар». Муҳиддин Қориёқубов ижро этган қўшиқлар. **19.20** «Хайтарма» ансамбли солистларининг концерти. **20.00** «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). **20.30** Қурувчилар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.30** «Янги ёзиб олинган асарлар». Генрих Вень. «Тўмшуқ билан учрашув» радиопьесаси (ўзбекча). **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ёш композиторларнинг камер асарлари. **19.30** А. Мачавариани. Скрипка ва оркестр учун концерт. **20.00** Р. Глиэр ва Р. Толмасов куйлайди. **20.30** Топишмоқли концерт (ўзбекча). **20.50** «Шудгор ишлари». Очерк (русча). **21.00** Жаҳон прогрессив адабиёти. Андре Моруа. «Хайрли тун, жонгинам». Ҳикоя (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.40 Д. Энеску «Эдип» операси.

28 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Халқ талантлари концерти. **9.30** Симфоник раклар. **10.10** «ГУЛШАН» радиожурнали. **11.15** «Баҳор» ансамбли созандаларининг концерти. **11.45** Москва. **12.15** Радио эшиттувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). **13.30** Дўстларимиз эстрадаси. **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» радиожурнали (русча). **16.10** Эстрада концерти. **17.20** Уйғур куйлари. **17.40** «ВУЮК ҲАМКОРЛИК» радиокомпозицияси. Ф. Энгельс туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган концерт (ўзбекча). **18.00** Чўқувчилар учун концерт. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбек композиторларининг лирик қўшиқлари. **20.00** ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ЙИЛНОМАСИ (русча). **20.30** Рақс куйлари. **21.00** «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун дам олиш концерти. **22.30** М. Левиев, Н. Сафаров. «КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА» музикали драмасининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. **9.15** Спорт эшиттириши (русча). **19.00** А. Блок туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш (ўзбекча). **19.30** Ёшлар ижоди (русча). **20.00** Мақомлардан парчалар (тожикча). **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Фан ва қишлоқ хўжалик тараққиёти» (русча). **21.00** Эстрада-рақс концерти **21.40** «Буюк назариётчи». Ф. Энгельс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 М. Зив. «Ҳақиқий эркак». Оперетта. **15.30** З. Посмиш. «Нўловчи аёл». Радиоспектакль. (ўзбекча). **17.30** Жонсон. «Мен айблайман» радиопостановкаси (русча).

19.00 «Гулшан» радиожурнали.

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги Б. Хмельницкий номли 76-ўрта мактаб томонидан **Тиляханов Набиҳан Ҳаджаханович** номига берилган 076881 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент оқшоми 4 бет. 27 НОЯБРЬ. 1970 И.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579

НАШР 3168.

Р—03030.